

---

## Эсдалик совғалари топширилди

Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев ва туман прокурори Аҳрорбек Худойбергенов 1-сектор ҳудудидаги белгиланган пахта режасини ортиғи билан бажарган "Ҳабибахон Илём саҳовати" фермер хўжалигида ўтказилаётган маданий тадбирда иштирок этишди. Тадбир давомида пахта ҳосилини етиштириш ва нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда фаол бўлган ишчилар ҳамда ҳашарчи теримчилар туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек тушлик учун қўй сўйилиб, теримчиларга мазали овқатлар тортиқ этилди, шўх куй-қўшиқлар янгради. Теримчилар маданий тадбир ташкилотчиларига ва туман ҳокимлигига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

2020-09-23 17:45:10